

## Ўзбекистон Республикасида бажарилган қурилиш ишлари


2025 йил январь-февраль ойлари учун

- I. Жами бажарилган қурилиш ишлари
- II. Умумий ҳажмдан янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш ишлари
- III. Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари
- IV. Жами қурилиш ишлари ҳажмининг корхоналар турлари бўйича тақсимоли
- V. Қурилиш ишлари бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

### I. Жами бажарилган қурилиш ишлари

2025 йилнинг январь-февраль ойларида Ўзбекистон Республикасида жами 26 339,5 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 111,8 % ни ташкил этди.

#### Бажарилган қурилиш ишлари динамикаси



2025 йилнинг январь-февраль ойларида ҳудудлар кесимида, хусусан, Тошкент шаҳри (8 006,3 млрд сўм), Тошкент вилояти (3 372,0 млрд сўм) ва Самарқанд вилоятида (1 613,3 млрд сўм) қурилиш ишларининг юқори ҳажми қайд этилди.

	Ҳажм, млрд сўм	Ўсиш суръати, %
Ўзбекистон Респ.	26 339,5	111,8
Қорақалпоғистон Респ.	1 155,7	104,8
Андижон вилояти	1 162,9	112,4
Бухоро вилояти	1 197,9	106,3
Жиззах вилояти	653,4	108,8
Қашқадарё вилояти	1 573,9	107,6
Навоий вилояти	1 134,8	109,9
Наманган вилояти	1 325,0	110,7
Самарқанд вилояти	1 613,3	102,9
Сурхондарё вилояти	1 046,8	108,7
Сирдарё вилояти	509,4	85,0
Тошкент вилояти	3 372,0	122,2
Фарғона вилояти	1 596,7	111,2
Хоразм вилояти	877,7	108,6
Тошкент ш.	8 006,3	103,5

**Мавзуга доир кўрсаткичлар:**

[Қурилиш ишлари ҳажми \(ойлик\)](#)

[Қурилиш ишлари ҳажми \(йиллик\)](#)

**II. Умумий ҳажмдан янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш ишлари**


Бажарилган қурилиш ишларининг катта қисми янги бино ва иншоотларни қуришга тегишли. Жами қурилиш ишларининг 74,3% и ёки 19 571,8 млрд сўм қурилиш ишлари айнан иқтисодиётда янги ишлаб чиқариш қувватлари, турар-жой ва бошқа ижтимоий объектларни яратишга қаратилган. Жумладан:

Йирик қурилиш ташкилотлари – **4 534,9** млрд сўм, *жамига нисбатан улуши – 23,2%*;

Кичик корхона ва микрофирмалар – **8 444,1** млрд сўм *ҳамда улуши – 43,1%*;

Норасмий сектор – **6 592,8** млрд сўм *ҳамда улуши – 33,7%*.

Янги қурилиш ишлари ҳажмининг бажарилган қурилиш ишларидаги улуши



2025 йилнинг январь-февраль ойларида ҳудудлар кесимида янги қурилиш ишлари бўйича юқори ҳажм Тошкент шаҳри (5 366,3 млрд сўм), Тошкент вилояти (2 321,6 млрд сўм), Самарқанд вилояти (1 222,5 млрд сўм) ва Фарғона вилоятида (1 193,5 млрд сўм) қайд этилди.

**Мавзуга доир кўрсаткичлар:**

[Янги қурилиш ишлари ҳажми \(ойлик\)](#)

[Янги қурилиш ишлари ҳажми \(йиллик\)](#)

### III. Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари


2025 йилнинг январь-февраль ойларида Ўзбекистон Республикасида бажарилган қурилиш ишларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши қуйидагича:

- бинолар ва иншоотлар қуриш йўналиши 71,9 % улушни ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 113,7 % ни ташкил этди;

- фуқаролик объектларини қуриш йўналиши 17,1 % улушни ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 101,1 % ни ташкил этди;

- ихтисослаштирилган қурилиш ишлари йўналиши 11,0 % улушни ва 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 118,3 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ўсиш суръати ва ҳажми



### Бино ва иншоотлар қурилишининг асосий кўрсаткичлари


Амалдаги статистик кузатув шаклларида 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб, “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот (маҳсулот, иш, хизмат)лар статистик таснифлагичи (МСТ)”га мувофиқ “Қурилиш фаолияти бўйича ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми” кўрсаткичи қўлланилади.

Бино ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари таркибида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари улуши 19,6 % ни ташкил этиб, 2024 йилнинг мос давридаги кўрсаткичга нисбатан 6,9 % пунктга кўпайди.

Ушбу фаолият турида кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келган улуш 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 4,4 % пунктга камайиб 41,0 % ни ташкил этди.

Норасмий секторнинг улуши эса 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 2,5 % пунктга камайиб, 39,4 % ни ташкил этди.

### Бино ва иншоотлар қурилишининг ҳажми ва ўсиш суръати



Бино ва иншоотларни қуриш фаолият тури бўйича бажарилган қурилиш ишларининг ҳудудда бажарилган жами қурилиш ишларидаги энг юқори улуши Жиззах вилояти (82,5 %), Сурхондарё вилояти (77,3 %) ва Қашқадарё вилоятида (75,7 %) кузатилди.


#### Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Бино ва иншоотлар қурилиши ҳажми \(ойлик\)](#)

[Бино ва иншоотлар қурилиши ҳажми \(йиллик\)](#)

### Фуқаролик объектлари қурилишининг асосий кўрсаткичлари

Фуқаролик объектларини қуриш бўйича йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши 23,6 % ни ташкил этди ва 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 3,6 % пунктга камайди. Шунингдек, кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келган улуш 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 3,9 % пунктга кўпайиб 76,4 % ни ташкил этди.



Фуқаролик объектларини қуриш фаолият тури бўйича бажарилган қурилиш ишларининг ҳудудда бажарилган жами қурилиш ишларидаги энг юқори улуши Самарқанд вилояти (46,0 %), Бухоро вилояти (29,7 %) ва Сирдарё вилоятида (22,7 %) кузатилди.

#### Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Фуқаролик объектлари қурилиши ҳажми \(ойлик\)](#)


[Фуқаролик объектлари қурилиши ҳажми \(йиллик\)](#)

### Ихтисослаштирилган қурилиш ишларининг асосий кўрсаткичлари

Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари таркибида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 % пунктга камайди ва 23,8 % ни ташкил этди.

Қолган 76,2 % и кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 % кўпайди.

### Корхоналар турлари бўйича ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръати




Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари фаолият тури бўйича бажарилган қурилиш ишларининг ҳудудда бажарилган жами қурилиш ишларидаги энг юқори улуши Тошкент шаҳрида (16,3%), Бухоро вилоятида (15,6%) ва Наманган вилоятида (15,1%) кузатилди.

#### Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми \(ойлик\)](#)

[Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми \(йиллик\)](#)

### IV. Жами қурилиш ишлари ҳажмининг корхоналар турлари бўйича тақсимооти ва ўсиш суръати




Йирик қурилиш ташкилотлари томонидан 2025 йилнинг январь-февраль ойида бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 5 458,5 млрд сўмни ташкил этди. Кўриб чиқилаётган даврда қурилиш ишлари ҳажми 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 138,3 % ни ва уларнинг умумий ҳажмдаги улуши 3,9 % га кўпайиб, 20,7 % ни ташкил этди.

2025 йилнинг январь-февраль ойларида кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳиссасига жами қурилиш ишлари ҳажмининг 51,0 % и тўғри келиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 2,7 % пунктга камайди. Шунингдек, улар ҳиссасига тўғри келган қурилиш ишлари ҳажми 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 106,8 % ни ташкил этган ҳолда 13 423,7 млрд сўм миқдорида қайд этилди.

Норасмий секторда қурилиш ишларининг улуши 28,3 % ни ёки 7 457,3 млрд сўмни ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 105,7 % ни ташкил этди. Шундан 5 677,2 млрд сўми яқка тартибдаги уй-жой қурилишига тўғри келиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 106,7 % ни, жисмоний шахслар томонидан нотурар-жойлар қурилиши 915,6 млрд сўмни ва 101,0 % ни, яқка тартибдаги турар-жойларни таъмирлаш ишлари 864,5 млрд сўмни ва 104,2 % ни ташкил этди.

### Корхона турлари бўйича бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръатлари



### Ҳудудлар кесимида корхона турлари бўйича бажарилган қурилиш ишлари

	Ҳажм, млрд сўм			Ўсиш суръати, % да		
	Йирик	Кичик ва микрофирма	Норасмий сектор	Йирик	Кичик ва микрофирма	Норасмий сектор
Ўзбекистон Респ.	5 458,5	13 423,7	7 457,3	138,3	106,8	105,7
Қорақалпоғистон Респ.	67,7	647,6	440,4	131,2	103,0	104,3
Андижон вилояти	92,1	752,5	318,3	166,7	111,7	104,1
Бухоро вилояти	202,1	725,3	270,5	127,1	103,1	102,4
Жиззах вилояти	41,8	314,8	296,8	201,0	108,2	102,6
Қашқадарё вилояти	327,7	647,4	598,8	135,0	103,4	100,5
Навоий вилояти	284,0	550,2	300,6	138,4	102,9	102,7
Наманган вилояти	107,1	700,0	517,9	260,7	102,6	109,4
Самарқанд вилояти	171,4	1 003,1	438,8	64,6	114,3	103,4
Сурхондарё вилояти	98,0	560,1	388,7	153,4	106,1	104,6
Сирдарё вилояти	40,5	345,6	123,3	21,8	117,9	103,1
Тошкент вилояти	651,3	1 282,7	1 438,0	198,8	107,7	115,7
Фарғона вилояти	293,0	859,5	444,2	152,4	106,0	102,5
Хоразм вилояти	88,0	364,6	425,1	161,4	103,6	105,8
Тошкент ш.	1 880,1	4 670,3	1 455,9	97,0	106,7	102,7

Йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишларининг энг юқори ўсиш суръатлари Наманган вилоятида (2024 йилнинг мос даврига нисбатан 260,7%), Жиззах вилояти (201,0%) ва Тошкент вилоятида (198,8%) қайд этилди.

Қўриб чиқиладиган даврда кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишларининг энг юқори ўсиш суръатлари Сирдарё вилояти (2024 йилнинг мос даврига нисбатан 117,9%), Андижон вилояти (111,7%) ва Тошкент вилоятига (107,7%) кузатилди.

Қўриб чиқиладиган даврда норасмий сектор томонидан бажарилган қурилиш ишларининг энг юқори ўсиш суръатлари Тошкент вилояти (2024 йилнинг мос даврига нисбатан 115,7%), Наманган вилояти (109,4%) ва Хоразм вилоятида (105,8%) қайд этилди.

## **В. Қурилиш ишлари услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар**

**Қурилиш ишлари** – бино ва иншоотларни барпо этиш, қайта тиклаш, кенгайтириш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари мажмуаси сифатида қурилиш ишлаб чиқаришининг натижасидир.

Қурилиш ишлари қийматига қурилиш участкаларининг ўзлаштириш ишлари режасини тузиш ва тайёрлаш, сув таъминоти, иссиқлик, канализация, пойдеворларни ўрнатиш, деворларни кўтариш, бино конструкцияларини монтаж қилишнинг санитар-техника ишлари, бошқа пудрат ишлари (ишга тушириш ва созлаш, гидроювиш ишлари, ер қатламиди очиш, техник-маданий ишлар ва бошқалар) киритилади.

Қурилиш ишларининг статистик ҳисоби ҳисобот даврининг амалдаги нархларида, қўшилган қиймат солиғини қўшмаган ҳолда, тўлов муддатидан қатъий назар, ҳисобот даврида ҳақиқатда бажарилган ҳажм бўйича амалга оширилади.

Қурилиш ишлари ҳажми бўйича статистик маълумотлар қуйидагилар асосида шакллантирилади:

а) қурилиш фаолиятини олиб борувчи юридик шахсларнинг статистика ҳисоботлари (ойлик, йиллик);

б) кичик корхоналар ва микрофирмалар фаолиятининг чораклик танланма кузатув натижалари;

д) жисмоний шахслар томонидан якка тартибдаги уй-жой ва нотурар-жой объектлар қурилиши мониторинги билан шуғулланувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари статистика ҳисоботлари;

е) фойдаланишга топширилган якка тартибдаги уй-жойларни танлама статистик кузатуви маълумотлари;

ф) якка тартибдаги уй-жойларни хўжалик усули билан таъмирлаш ҳажмини статистик баҳолаш.

Метамаълумот учун ҳавола:

<https://stat.uz/files/349/METAMALUMOTLARuz/1875/Qurilish-ishlari.pdf>

<https://stat.uz/files/349/METAMALUMOTLARuz/1877/Aholi-jon-boshiga-qurilishishlari.pdf>

**Тайёрлаш учун масъул:**  
Инвестициялар ва қурилиш  
статистикаси бошқармаси

**Ижрочи:**  
Д. Хидиралиева  
71 203-80-00 (1163)

